


“Тасдиқлайман”  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона  
буюртмачи хизмати” ИК  
бош мұхандис в.б.



С. Сагдиев

2022 й.

**“Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги Турон МФЙ ҳудудидаги  
71а-сонли мактаб биносини мукаммал таъмирлаш”.**

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

<b>1. Объектнинг номланиши</b>	“Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги Турон МФЙ ҳудудидаги 71а-сонли мактаб биносини мукаммал таъмирлаш”.
<b>2. Буюртмачи</b>	Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжинириング компанияси, манзил:100027, Тошкент ш., И.Каримов кўчаси,16а уй.
<b>3. Лойиҳалаштириш учун асос</b>	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 марта “2022-2026 йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-172-сонли қарори. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 29 марта 300-14-0-Q/22-сонли қарори.
<b>4. Бош лойиҳа ташкилоти</b>	Танлов савдолари орқали аниқланади.
<b>5. Лойиҳалаштириш босқичи</b>	Ишчи лойиҳа
<b>6. Қурилиш майдони характеристикаси (сейсмикаси, ер чўкувчанлик грухи ва бошқалар)</b>	Сейсмиклик даражаси- ҚМҚ 2.01.03-96 га биноан қабул қилинади. Ер чўкувчанлик мұхандислик ва геология асослари орқали аниқланади.
<b>7. Объектнинг жойлашган ҳудуди</b>	Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги Турон МФЙ ҳудудида
<b>8. Лойиҳалаштириладиган объектни мураккаблик даражаси (категория сложности)</b>	II - тоифа (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 22.01.2016й.даги 15-сонли қарори, 2-илова, 33.1. банди).
<b>9. Объектнинг лойиҳавий қуввати</b>	840 ўринли
<b>10. Қурилиш тuri</b>	Мукаммал таъмирлаш

<b>11. Туаржой, жамоат биноси ва бошқа турлари (Қават, секция ва хонадонлар сони, намунавий ёки индивидуал лойиха в ҳ.к.)</b>	<p>Умумий майдони- _____ кв.м.  Курилиш ости майдони- _____ кв.м.  _____ қаватли 71а-мактабни мукаммал таъмирлаш.</p>
<b>12. Бош пудратчи</b>	<p>Тендер савдолари орқали аниқланади.</p>
<b>13. Шаҳарсозлик, ҳажмли – режалаштириш ва конструкторлик ишларига талаблар</b>	<p>Лойиха халқаро стандартларга жавоб берадиган янги технологиялар, тузилмалар ва материаллардан фойдаланишини ўз ичига олади.</p>
<b>14. Асосий кўрсаткичлар ва техник талаблар Конструктив қарорлар, асосий ва ажратувчи конструкциялар материаллари, ёнғинга бардошлиқ ва фасад қисмини безатиш</b>	<p>Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги Турон МФЙ ҳудудидаги 71а-сонли мактаб биносини мукаммал таъмирлаш лойиҳасида куйидагилар кўзда тутилиши керак:</p> <p>1.Мавжуд бинони визуал кўрикдан ўтказиш;  2.Техник жиҳозлар ва мебеллар лойиҳада кўзда тутилсин.</p> <p><b>Деворлар:</b> ички девор қисми гипс қориshmали сувоқ ишлари.</p> <p><b>Булинмалар:</b> Фишт M75 250-120мм қалинликда ва девор қисми гипс қориshmали сувоқ ишлари.</p> <p><b>-Ногиронлар</b> учун бинога кириб чиқиши йўлаклари (пандус) таъминлаш буйича чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p><b>Эшик блоклари</b> антибактериал қоплама ва алюминий астар ёки металли пластик профил билан юқори сифатли МДФ панелларидан эшик блоклари (бинони технологик мақсадини ҳисобга олган ҳолда) билан таъминлаш.</p> <p><b>Ойна блоклари-</b> алюмин профилдан ясалган ойна блоклари (форточкали) билан таъминлаш.</p> <p><b>Том қисми-</b> ёғочли ва темир конструкциядан фойдаланиш ва бўялган профил листларидан қоплаш.</p> <p><b>Биноларни ички қисмини безашни таъминлаш:</b>  Деворлар - юқори сифатли бўёқлар, сувга асосланган (водоэмультсионная) ва ёғга асосланган бўёқ (масляная окраска);  Санузел – бўлинмалари деворини кум-цемент қориshmаси билан пардозлаш ишлари ва деворида 1.5м баландликда керамик қопламалар ҳамда юқори юзасини сувга асосланган (водоэмультсионная) бўёқ билан бўяш.</p> <p><b>Шифт қисми</b> – зал, ошхона, коридор ва холларда армстронг ва гипсокартон;</p> <p>-синф хоналарда - юқори сифатли бўёқлар.</p> <p><b>Пол қисми</b> – бўлинмаларга кум-цемент қориshmаси билан ўз-ўзини текислаш, сув ва нам шароитларга чидамли юқори сифатли керамик пол плиткалари ва замонавий гидроизоляция материалларидан тайёрланган гидроизоляция қопламаларини кўллаш.</p> <p>Синф хоналара тиббий релин ва изоляцияланган линолеум билан таъминлаш плинтус 7см.</p> <p>Спортзалада маҳсус қоплама (бинони технологик мақсадини ҳисобга олган ҳолда) билан таъминлаш.</p>

	<p>Ошхонада керамик плиткалар.</p> <p>Зиналарда оқ мрамордан қалинлиги 30мм, ён томони 20мм.</p> <p>Коридор ва холда керамик плиткалар.</p> <p>Залда кулранг ковролан.</p> <p><b>Ташқи безатиши ишлари:</b></p> <p>Утеплител қопламаси шишатололи кварцқумли ёки базальт қалинлиги 50мм матереалидан қопланиб юзасини синтетик түр тортиб, пардозлаш ишлари ва юқори сифатли ташқи бўёқлардан фойдаланиш.</p> <p>Биринчи қават пол даражасига қадар цоколь қисмини гранит билан қоплаш.</p> <p>Ташқи кириш қисмидаги тўсик (пандус) хромли кувурлардан ўрнатиш.</p> <p>Иккинчи эвакуация чиқишини (<b>якка турувчи</b>) таъминлаш.</p>
<b>15. Ташқи муҳандислик изланишлар зарурияти</b>	Талаб этилмайди.
<b>16. Молиялаштириш манбаи</b>	Маҳаллий бюджет маблағлари
<b>17. Қурилишни бошлаш ва тугаллаш муддатлари</b>	2022-йил.
<b>18. Ёнғин хавсизлиги талаблари</b>	ШНҚ 2.01.02-04 талабларига асосан бажарилсин.
<b>19. Ташқи муҳандислик тармоқларига бўлган талаблар.</b>	Талаб этилмайди.
<b>20. Ички муҳандислик тармоқларига бўлган талаблар.</b>	<p><b>Ички муҳандислик тармоқларини лойиҳалашда янги технологиялардан фойдаланиш кенг тарқалган.</b></p> <p><b>Иссиклик таъминоти:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-Модулли қозонхона ўрнатиш ва янги тармоқга улаш.</li> <li>-иситиш тизимининг тарқатиш кувирлари пластик (ПВХ) дан фойдаланиш.</li> <li>-Биометрик пулат- радиатори урнатиш.</li> </ul> <p><b>Шамоллатиши ҚМҚ 2.04.05-97 талабларига асосан бажарилсин.</b></p> <p><b>Сув таъминоти ва канализация - ШНҚ 2.04.01-98 талабларига асосан бажарилсин.</b></p> <p><b>Электр таъминоти, электр ёритгич ва заиф оқимлар:</b></p> <p>Электр ёритиши замонавий технологияларни қўллаш</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- фавқулодда ва кутиш автоном ёритишини ҳисобга олган ҳолда энергия тежайдиган ёритиши қурилмалари ва лампалар (LED);</li> </ul> <p>Паст қувватли қурилмалар.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Техник шарт бўйича телифўн ўрнатиш;</li> <li>- Лакал компьютер тармоғи;</li> <li>- Internet тармоғини ўтказиш;</li> <li>- Ёнғин сигнализацияси;</li> <li>- Хавфсизлик сигнализацияси;</li> <li>- Хавфсизлик сигнализацияси тизими;</li> <li>- IP видеокузатув - асосий кириш қисмида, йўлакларда;</li> <li>- Киришни бошқариш тизими;</li> </ul>

	<p>-Амалий телевидение;</p> <p>- Автоматлаштириш.</p>
<b>21. Энергия сарфи бўйича талаблар.</b>	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 2 июндаги 161 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343 сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 октябрдаги 161 сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги ПҚ-3981 сонли қарори.
<b>22. Атроф-мухит муҳофазаси бўйича талаблар.</b>	Талаб этилмайди.
<b>23. Лойиҳа-смета хужжатларини тегишли ташкилотлар билан келишиш.</b>	Бош режа ва бинонинг фасад қисми ШНҚ 1.03.01-8. бўйича Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси билан келишилсин. Лойиҳа бўйича қарорлар зарур бўлган ташкилотлар билан келишилсин жумладан Санитария-эпидемиология хизматлари, УПБ ИИВ, ГИ “Узгосэнергонадзор” ДИ.
<b>24. Ерларни рекультивация қилиш, худудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича талаблар</b>	Талаб этилмайди.
<b>25. Қурилишни ташкиллаштириш лойиҳаси.</b>	Талаб этилмайди.
<b>26. Фуқаролик химояси ва фавқулотда вазиятлардан огохлантириш талаблари</b>	Фавқулотда вазиятлар бошқармасининг норматив хужжатлари талабларига асосан бажарилсин.
<b>27. Имконияти чекланган шахсларга шароит яратиш бўйича талаблар</b>	ШНҚ 2.07.02-96 ва бошқа турдаги норматив хужжатлар талабларига асосан бажарилсин (пандус).
<b>28. Буюртмачига топшириладиган лойиҳа-смета хужжатлари таркиби</b>	ШНҚЗ.01.01-03 га асосан тўлиқ ҳажмда ишлаб чиқилсин. Ишчи лойиҳа ушбу топшириқ талабларига биноан қабул қилинади. Ишчи лойиҳаси 3 нусхада ва электрон вариантда (PDF) амалдаги стандартлар бўйича буюртмачига топширилиши лозим смета хужжати 1 нусхада китоб ва электрон шакилда (диск).

Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниеринг компанияси, бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа хужжатлари ва танлов хужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи

Ш. Қодиров

БРБЛ ва ТХТ бўлими бош мутахассиси

Х. Юсупов